



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (11.818)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар самараси

### АСОСИЙ МАҚСАД — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда, турли касалликларни даволаб, олдини олишда дори-дармон воситаларининг ўрни беқиёс. Лекин улар ҳар бир организмга турлича таъсир кўрсатади. Бу борада табиий воситалардан фойдаланиш, дорилар ўрнини улар билан алмаштириш ҳам яхши самара беради.

— Йод танқислиги халқаро муаммолардан саналган бугунги кунда, — дейди «Smile» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Аббос Мирҳидоят, — унинг асоратлари олдини олиш мақсадида кўплаб дори воситаларидан фойдаланилмоқда. Корхонамиз ҳам ушбу муаммо ечимига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида саломатлик учун фойдали, айниқса йод танқислигининг олдини олувчи маҳсулот — йодланган сув ишлаб чиқаришни амалга оширмоқда. Етақчи мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳамиздан кўзланган асосий мақсад салбий оқибатларга олиб келувчи организмда йод етишмаслиги муаммосини бартараф этиш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишдир.

Аҳолининг барча қатлами учун замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашёдан «Smile» савдо белгиси остида «Йод-саломатлик» ёрлиги билан тайёрланаётган йодланган сувлар эҳтиёжни ҳисобга олиб 0,3; 1; 1,5; 5 литрлик пластмасса идишларда қадоқланмоқда. Унинг бир литрида 100 мкг йод мужассам бўлиб, газланган ва газланмаган ҳолатда харидорларга етказиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илк фаолиятини хусусий тадбиркор «Мирҳидоят А» сифатида бошлаган мутасаддилар талаб ва тақлифлардан келиб чиқиб ҳамда мамлакатимизда тадбиркорлар, кичик корхоналар учун яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб мазкур корхонани ташкил этишди. Қайта ишловчи ва қадоқловчи хорижий технология линиялар сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 17 нафар ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек бўлганлиги иш сифати ҳамда самарасини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳозирда тайёр маҳсулотлар пойтахтимиз дорихоналари орқали аҳолига етказиб берилётган бўлса, келгусида уларни республикамиз барча ҳудудларига, айниқса Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикасига етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими эса синовдан муваффақиятли ўтган ва ўзининг фойдали хусусиятларини намойиш этган «Smile» йодланган сувлари болалар ҳамда катталарга бирдай тавсия этилади.

Шарифа ИЛЁСОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Асборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Сингапур менежментни ривожлантириш институти Тошкент филиалида турдош олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари етакчи мутахассислари иштирокида юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида малакали кадрлар тайёрлашга бағишланган анжуман ўтказилди.

✓ **ЙИЛНИНГ** энг яхши психологига кўрик-танловининг туман босқичлари ўтказилди. Кўрик-танловда Шайхонтоҳур, Чилонзор, Юнусобод туманларидан 276, 162, 265-мактаблар ўқитувчилари шаҳар босқичига йўлланма олишди.

✓ **ЭРТАГА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги маънавият-маърифат маркази ҳамда Тошкент Давлат техника университети ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Мардлар кўриқларида Ватани» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Юртимизда сובитқадамлик билан олиб борилаётган ислохотлар, миллий тараққиётнинг устувор йўналишлари, қисқача айтганда, давлатимиз раҳбарининг маърузаларида аниқ баён этилган мамлакатни ислох қилиш сиёсати ҳамisha жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида бўлиб келган. Хорижий давлатларнинг расмий, ишбилармон, эксперт-таҳлилчи доиралари вакилларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Янги — 2011 йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари бунга мисолдир.

### «ЎЗБЕКИСТОН — СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИНИ ТАНЛАБ ОЛГАН МАМЛАКАТДИР»

Франциянинг Сиёсий ва халқаро муносабатлар маркази эксперти Давид Берманиннг эътирофи эътиборига, Президент Ислом Каримовнинг янги йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриги ниҳоятда сермазмундир.

У Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада қўлга киритган ютуқларига алоҳида тўхталди. «Ҳозир дунёда кенаяётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари шароитида мамлакат ялли ички маҳсулоти ҳажмининг қиёсий ўсиш кўрсаткичларини Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатининг самараси сифатида кўрсатиш мумкин. Мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари, шу билан бирга, аҳоли фаровонлиги даражасининг ўсиш кўрсаткичи бунинг ёрқин тасдиғидир», деди у.

Франциялик экспертнинг таъкидлашича, 2010 йилда Ўзбекистон навбатдаги матонат синовидан ўтгани ҳолда, кўшни Қирғизистонда юз берган фожиали воқеалар оқибатида унутилиши қийин бўлган хотираларни орда қолдириб, энг оғир тарихий босқичлардан бирини босиб ўтди.

«Жиддий таҳдидларга қарамастан, Ўзбекистон ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлигини таъминлаш учун ўз танлаган йўлидан қайтмади. Билмак, у халқаро ҳамжамиятга Қирғизистон Республикасида юз берган воқеаларга нисбатан ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритгани, чегаралар дахлсизлиги ва худудий яхлитлик тамойилларига риоя қилганини намойиш этди. Бу эса Ўзбекистон раҳбариятининг тинчликсеварлик ва оқибатноблик сиёсатини юритиб келаётганининг яна бир ишончли далилидир», дея ўз сўзини якунлади Д.Берман.

Тарихчи олим, профессор Ф.Фукманн (Франция) Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ютуқларини, республикамизнинг соҳаларда ўзини ўзи таъминлай олиш салоҳиятини юқори баҳолади. «Мамлакатнинг асосий бойликлари — дон ва пахта тайёрлаш бўйича ўз олдига қўйган режаларини ошириб бажаргани бунга мисолдир», деди у, жумладан.

Унинг фикрича, олдинги йилларда бўлгани каби, халқ фаровонлиги юқалишининг негизини ташкил этувчи, ҳар томонлама ривожлантирилиши лозим бўлган ижтимоий соҳа ўтган йилда ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг диққат-эътиборида бўлгани муҳим аҳамиятга эга. «Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, 2010 йилда аҳоли реал даромадларининг 23,5 фоизга, иш хақи, пенсия ва ижтимоий ёрдам миқдорининг 32 фоизга ошгани ушбу фикрни тасдиқлайди», деди Ф.Фукманн.

Берлин халқаро иқтисодий академияси раҳбари Х.Кнауенинг таъкидлашича, Ўзбекистон демократик ис-

лохотларни давом эттириш ва мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида либераллаштириш жараёнларини амалга ошириш борасида улкан муваффақиятларга эришди.

У, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақият билан амалга оширилаётган, мамлакатнинг янада барқарор иқтисодий ривожланишига имкон берувчи, иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда саноат тармоқларини янги техника ва технологиялар билан таъминлашга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини юқори баҳолади. Х.Кнауе муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу дастурни диққат билан ўрганиб чиқганини қайд этди.

Вайнштефан-Тройсдорф университети профессори Х.Штрёбелнинг эътирофича, Ўзбекистон — сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олган мамлакатдир. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат раҳбарияти томонидан оқилона амалга ошириб келинаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

У Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сазй-ҳаракатларни ижобий баҳолади. Х.Штрёбелнинг айтишича, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўтган қарийб йигирма йил мобайнида фақат давлатнинг ички ресурслари ҳисобига амалга оширилган ислохотларнинг навбатдаги босқичи жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириши янада кучайтиришга қаратилгандир.

Бранденбургдаги технологиялар ва инновациялар ривожига кўмаклашиш институти президенти Э.Клозе Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида-ноқ турли соҳалардаги ислохотларни босқичма-босқич ҳамда изчил амалга оширишга асосланган ўз тараққиёт йўлидан оқиб бормоқда», дея таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, мамлакат сўнгги йилларда улкан ютуқларни қўлга киритди, хусусан, иқтисодий соҳада ҳам катта муваффақиятларга эришди. Бу эса Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига пухта замин ҳозирлайди.

Э.Клозенинг фикрича, Ўзбекистонда ҳар бир йил мамлакат тараққиётининг муайян бир йўналишига бағишланиши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўтган йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниб, ёш авлоднинг камол топишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, 2011 йил Президент Ислом Каримов ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди.

Мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилиши, Э.Клозенинг қайд этишича, Ўзбекистонда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ улкан ўзгаришлар содир бўлаётгани боис айни ўз вақтида қўйилган қадамдир.

«Жаҳон» АА.

## Фармон ва ижро

### БИОМЕТРИК ПАСПОРТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига тўлиқ ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Абдусаттор МАТКАРИМОВ ЎзА мухбирига умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган ушбу тизимнинг афзалликлари, янги ҳужжатларни расмийлаштириш ва янги паспорт бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти — бу мамлакатимиз ҳудудига ва ташқарисига унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади, — дейди А.Маткаримов. — Ҳар бир инсон учун бундай паспортга эга бўлиш ва мустақил Ватанининг фуқароси ҳисобланиш катта шарафдир. Ушбу ҳужжат фуқаронинг ўз мамлакати, халқи тақдирига дахлдорлигининг рамзий ифодаси бўлиб, у давлат ҳимоясида эканини

қафолатлайди ва зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган юксак номга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади ва ўзининг барча халқаро мажбуриятларига риоя қилиб келмоқда. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблея-

сининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган.

— Биометрик паспортларни жорий қилишдан қандай мақсадлар кўзланган?

— Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақиллаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, ушбу транспорт тури хизматларида фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўздавтемирўлناзорат» инспекциясида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида темир йўл кесишмаларида хавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар таҳлиliga бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Китоб туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Лок-бўёқ экспресс» хусусий корхонасида маҳаллий хом ашёдан сув-эмульсияли бўёқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир цехда маҳаллий хом ашё — мрамр тошдан олинадиган микрокальцит моддаси ёрдамида кунига 4-5 тонна бўёқ тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

• Ургут туманидаги «Камангарон» Ўзбекистон-Эрон кўшма корхонаси ўз фаолиятини кенгайтириб, пойабзал ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Қиймати 124,5 минг АҚШ долларлиқ лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда йилига 600 минг жуфт аёллар оёқ кийими ҳамда 100 минг жуфт спорт пойабзали тайёрлаш имконияти юзага келди, 15 та кўшимча иш ўрни яратилди.

• Уйчи тумани Файрат қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида Боягон қишлоғида намунали лойиҳалар асосида қуриб битказилган 30 та турар жой биноси ўз эгаларига топширилди. Янги маҳаллани бунёд этишда «Файзиобод қурилиш сервис», «Файзиобод Само-сервис» МЧЖ ҳамда «Сифат кафолат стандарт-сервис», «Бунёдкор Уйчи» хусусий корхоналарининг қурувчилари фаолият кўрсатишди.

• Навоий шаҳридаги «Боғи Эрам» хусусий корхонаси раҳбари Фазлиддин Хўжаев ҳаракати билан икки гектар майдонда иссиқхона барпо этилиб, ишга туширилди. Бунинг учун у 250 миллион сўмлик банк кредити ҳамда шунча миқдордаги шахсий жамғармасидан фойдаланди. Иссиқхона жамоаси янги йилнинг илк кунларида аҳоли дастурхонига дастлабки 11 миллион сўмлик сабзавот маҳсулотларини тўхфа этди.

### ЖАҲОНДА

• Тунисдаги оммавий тартибсизликлар туфайли барча ўқув юртлири ёпилди.

• Кеча Туркияда тунги ўқув машқлари давомида ҳарбий вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмди.

• Аляскадаги йирик нефть ўтказгичда юзага келган носозликлар сабабли жаҳон биржаларида нефть нархи сезиларли даражада ошди.

• Кеча АҚШнинг Детройт шаҳрида йирик халқаро автошоу очилди. 23 январгача давом этадиган ушбу ўзига хос кўрик давомида Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги автоуловлар намойиш этилади.

• Австралияда кейинги 50 йил ичида юз берган энг кучли сув тошқинлари натижасида 8 киши ҳалок бўлди, 72 та одам бедарак йўқолди. Мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмида рўй берган тошқинлар 200 минг киши истиқомат қиладиган ҳудудни қамраб олган.

• Хитой Европа мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларини бартараф этишга кўмаклашди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири маълум қилди. Жумладан, у иқтисодий таназулдан энг кўп зиён кўрган Испаниянинг давлат заёмлари сотиб олинишини билдирди.

• Франция мудофаа вазири Нигерда икки нафар француз фуқаросининг ўғирланиб, сўнгра ўлдирилишида «Ал-Қоида» гуруҳини айблади.

• Хитой ва АҚШ компаниялари жаҳондаги энг йирик қуёш электр станциясининг лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқиш ва қуришга келишиб олишди.

• «Google» Интернет корпорацияси 5200 миллиондан зиёд китобни электрон шаклда яратди. Мазкур маълумотлар базаси 1500-2008 йиллар оралиғида инглиз, француз, испан, немис, рус ва хитой тилларида ёзилган китоблардан ташки топган. Мутахассисларнинг фикрича, «Google»нинг мазкур лойиҳаси ижтимоий фанлар бўйича изланишлар олиб бораётганлар учун муҳим аҳамиятга эга.

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Айни пайтда юздан ортик мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ халқаро стандарт ва талабларга жавоб берадиган бундай ҳужжатларни жорий этиш борасида тизимли ҳамда изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Уларда биометрик паспорт ва ҳужжатларни бериш билан боғлиқ барча жараёнлар кўзда тутилган.

— Биометрик паспортнинг амалдаги паспортдан фарқи нимада?  
— Биометрик паспорт одатдаги барча маълумотлардан ташқари,

унинг эгаси ҳақида шахсий биографик маълумотлар, рақамли фотосурат ҳамда бармоқлар излари туширилган биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ахборотга эга бўлади. Бундай чипга уч турдаги ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати эга бўлиши белгиланди. Халқаро стан-

**— Амалдаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш қандай мuddатларда амалга оширилади?**

— Паспортлар икки босқичда алмаштирилади. Биринчи босқич — 2011 йил мобайнида биометрик паспорт мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда

тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш ва бундай ҳужжат билан фуқароларни ўз вақтида таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда қайд этилганидек, персоналлаштириш — бу паспорт бланкига унинг эгаси ҳақидаги биографик маълумотларни ва биометрик параметрларни киритиш демакдир. Марказимиз уч турдаги электрон ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатларини персоналлаштирилади.

Янги паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатларининг бланкалари «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади, марказимизда персоналлаштирилади ва ўз эгаларига ҳужжатларни йўғиш пунктларида, яъни ички ишлар органларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида топширилади.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, биометрик паспорт мамлакатимизда белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти эса 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

**А.ИВАНОВА**  
**ёзиб олди**

**БИОМЕТРИК ПАСПОРТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

дартлар асосида ишлаб чиқилган уч турдаги ушбу электрон ҳужжатларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, улар юқори даражада ҳимояланган бўлиб, чегарадан ўтишда улардан фойдаланиш қулайдир. Уларни қўллаш эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштиришга қўмаклашади.

тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга, 2012-2015 йилгача бўлган иккинчи босқичда эса қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига берилди.

**— Давлат персоналлаштириш марказининг вазифалари нимадан иборат?**

— Марказ давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган фармонида мувофиқ биометрик паспортларни марказлаштирилган ҳолда

**ВАТАН ТАҚДИРИГА МАСЪУЛ САЛОҲИЯТЛИ ПОСБОНЛАР**

Дарҳақиқат, қудратли армиянинг кучи замонавий техника ва қурол-яроғлар билан бир қаторда, унда хизмат қилаётган инсонларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон ўзини Ватан тақдирига масъул ҳисоблаб, ҳаёти у билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англай билиши мумкин. Бундай ҳислатлар эса ҳарбий хизматчиларда маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотида кўпроқ шакллантирилади. Шунингдек, қисм ва бўлинмаларда тарбиявий ишларнинг юксак даражада ташкиллаштирилган ва йўлга қўйилган бўлиши ҳам энг муҳим масалалар сирасига кирди.

Офицер Ортиқжон Атаяров етакчилик қилаётган батальонда хизмат қилаётган мuddатли ҳарбий хизматчиларга бу борада чуқур билим бериш ва уларнинг дунёқароши, маънавияти, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Посбонларга маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларидан сабоқ бераётган офицер Азамат Тошматов маъруза ўқиш билан бир вақтда, мавзу юзасидан уларнинг фикрларини ҳам тинглаб, тайёргарликни чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлашнинг долзарблигига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Маънавий-маърифий тайёргарликни пухта ўзлаштириш жараёнда юрт посбонлари минтақа ҳамда жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий вазият, халқаро майдонда рўй бераётган муҳим воқеалар ҳақида атрафлича маълумотга эга бўлишида. Бу эса уларнинг билим ва дунёқарошини кенгайтиради, — дейди офицер Азамат Тошматов. — Шунингдек, бундай тайёргарликлар давомида посбон зиммасидаги масъулият, ўзига билдирилган ишонч ҳиссини ҳамда шарафли хизмат бурчини теран англайди. Ҳар бир машғулотдан сўнг мавзуга доир ўқув ёки ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Тегишли адабиётлар рўйхати уларга маълум қилинади ва мавзуни консептлаштиришга, тезкор ахборот ва таҳ-

Қуролли Кучларимизда ўқув машғулоти қизғин тарзда олиб борилаётган айни кунларда юртимиз осойишталиги, фуқароларимиз тинч ҳаёти ва сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳамиша мустаҳкам ҳимоя қилишга масъул ҳарбий хизматчилар жанговар билимлар қатори маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича ҳам ўз кўникмаларини ошириб, чинакам маҳорату матонат ва салоҳият соҳиби бўлишга чоғланишган.

лил кабиларга пухта эътибор қаратилади. Гуруҳлар ўртасида эса ўзаро мусобақа йўлга қўйилган. Албатта, Қуролли Кучларимиз ҳар қандай тажовузкорга муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи кераклигини яхши англаймиз. Бунда юқори жанговар кўникма, билим-салоҳият ва огоҳлиқни янада ошириши вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки минтақа ва дунё миқёсидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва хавфсизлик таҳдид солувчи омилларга назар ташласак, бундан чуқур англаймиз. Ҳа, бугун инсониятга халқаро терроризм, одам савдоси ва бошқа бир қатор хуружлар таҳдид солаётган. Буларга қарши туриш учун мафқуравий иммунитетимизни мустаҳкамлаш талаб этилади.

— Туғилиб ўсган она Ватанин ҳимоя қилиш ҳар бир эр йигитнинг муқаддас бурчидир, — дейди мuddатли ҳарбий хизматчи Рустам Расулов. — Шу боис юрт сарҳадларини қўриқлашдан ҳам кўра шарафлироқ бошқа бирор иш бўлмаса керак, деб ўйлайман. Қалбда ватанпарварлик туйғуси бўлган ҳар бир эр йигит бу шарафли бурчини адо этишига ошпади. Шу тариха ўзига билдирилган ишонч ва кўрсатилган гамжурликларга жавоб қайтаради. Ватан ишончини оқлаш — бу Ватан осойишталигини асраш демак. Бунинг учун эса билим ва малакани, маҳоратни ҳар томонлама ошириб бориш тақозо этилади. Ишонтириб айтилганки, зиммамиздаги масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб, юртимиз сарҳадларини, истиқлолни мардондор асраймиз.

**Ёшнн ҲАКИМОВ**

**Юртимизда кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор иқтисодиётимизнинг гуллаб-яшнашига, хусусий тадбиркорликни янада раванқ топтиришга хизмат қилмоқда. Бунда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёз ва преференциялар белгилангани муҳим аҳамият касб этаётир.**

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

**ТАДБИРКОРГА — ИМТИЁЗ, ДАРОМАДГА — БАРАКА**

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтиб ўтганидек, кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Таъкидланганидек, навбатдаги устувор йўналиш — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат. Сўнги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиб ушун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинган.

Хусусан, сўнги йилларда ҳўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини катта имкониятлар туғдирмоқда. Жорий йилдан бошлаб эса бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган яна бир имтиёз бўлиб қолади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишбилармонлар учун янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омиллига айланмоқда. Хозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани шундан далолат беради.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳани ривожлантиришнинг бош омилдир. Яъни, молия-банк тизими мамлакат иқтисодиёти таъминотида ўзига хос қон томири ҳисобланади. Биринчи навбатда бу тизимнинг барқарорлиги, шунингдек, мустаҳкамлиги ва ишончилиги иқтисодиётнинг барча бўғинларининг изчил, ўзаро боғланган ҳолда ҳаракатда бўлишига беvosита таъсир кўрсатади.

Бошқармаимиз фаолиятига тўхталадиган бўлсак, пойтахтимизда иш юритаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, малакасини ошириш бош мақсадимиздир. Яъни палата аъзоларини меъёрий ҳужжатлар, қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тажрибаларини бойитиш, ҳамкорларни қўлайитириш, ишлаб чиқаришларини кенгайтириш, экспорт-импорт маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқишга қўмаклашишда мададкор бўлмоқда.

Турли мавзуларда жумладан, Президентимиз фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга бағишланган давра суҳбатлари ташкил қилиниб, кўрилатган масала, ечимини кутаётган муаммо доирасида назорат қилувчи органлар, қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, етакчи мутахассисларнинг иштироки таъминланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиёти, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши йўлида бошқармаимиз куч-ғайрат билан амалий ишларга хизмат қилади.

**Шавкат МИРЗАЕВ,**  
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи**

**Қарор ва ижро**

**РЕЖАДАГИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА**

**Мамлакатимиз Президентининг республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йилдаги куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашга шай ҳолга келтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкентшаҳаргаз» филиали тизимига кирувчи барча туман корхоналарида уй-жойлар, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, sanoat корхоналари, шуларнинг бошқа объектларига газни узлуксиз етказиб бериш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яққасарой туманида ҳам бу борадаги ишлар режалари асосда ташкил этилган.**

— Ўтган давр мобайнида 73 та газ тақсимлагич шохобчасида техник тафтиш ўтказилди, 8,5 километр ер усти газ қувурларини таъмирладик ва бўяб чиқдик, 16770 та дудбуронни текширдик, мунтазам равишда газ қувурлари ҳаво оқими билан тозаланди, уларнинг сини, у-

й-жойларда ва маиший-коммунал объектларда газ чиққини асбоблар воситида текшириш ишлари амалга оширилди, — дейди Яққасарой тумани газдан фойдаланиш хизмати бошлиғи Иброҳим Дадажонов.

Аҳоли ўртасида ёнгин чиққинининг олдини олиш

бўйича кенг қўламли тушунтириш ишларини жонлан-тиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Зеро, кўпична бахтсиз ҳодисалар ўз-ўзидан эмас, балки табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлади. Хусусан, газ таъминоти тармоғига қўшимча газ ускуналарини ўзбошимчалик билан улаш, ностандарт газ асбоблари ва резина шланглардан фойдаланиш, газ асбобларини қаровсиз қолдириш, ер ости газ қувурларига зарар етказиш тақиқланади. Ерни қазиб ишларини фақат газ ҳўжалиги корхоналари рухсати билан амалга ошириш зарур.

Олий ва ўрта таълим, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларида ва маҳалларда, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда, туман ҳудудидаги бозорларда газдан фойдаланиш пайтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарурлиги бўйича учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Туман газ хизматида куну тун авария-диспетчерлик хизмати назоратчилик қилади, таъмирлаш жамоаси қақриқлар бўйича тезкорлик билан етиб боради. Бир сўз билан айтганда, режалаштирилган барча ишларни қўнғилдагидек бажариш учун бор кучимиз билан ҳаракат қилаёмиз.

**И.ДИЛШОДОВ**

**Иқтисодиёт**

**СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юртимиз иқтисодиёти ривожига ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор ўзгаришлари ва истеъмолчи эҳтиёжига нисбатан тез мослаша олиши, янги иш ўринлари яратиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, экспорт ҳажми ошишидаги ўрни каттадир.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Моян-текс» қўшма корхонаси ҳам соҳадаги соғлом рақобат муҳити туфайли фаолияти давомида ўз маҳсулотлари билан на фақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўзини топишга интилаётганлиги боис, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Россиялик ҳамкорлар билан биргаликда иш юри таётган қўшма корхонада бир йиллик ўртача айланми: маблаг ҳажми 1.500 миллион сўмликдан зиёددан таш кил эгдди. Тайёрланаётган маҳсулотнинг маълум қисми кўшни давлатларга экспорт қилинаётгани корхона му ваффақиятидан далолатдир.

«Моян-текс» хорижий юксак унумли дастгоҳ ва уску налар билан жиҳозланганлиги боис, маҳаллий хом ашё дан трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқаришда яхш натижаларга эришмоқда. Уларнинг хариддорлигини таъминлашда 70 нафардан зиёд малакали ишчи-хиз матчи — қўли гул тикувчи, моҳир модельер-дизайнчи ларнинг доимий изланишлари қўл келмоқда.

Кийим-кечаклар мавсумий тикилади. Уларга рангга алоҳида танланади, бунда матонинг сифатига беvosит эътибор қаратган ҳолда иклим ўзгаришлари, об-ҳав ҳисобга олинади. Мижознинг хоҳиш-истаги асосида қў хонанинг етакчи мутахассислари янги лойиҳаларни таъ сия этишади. Эртанги кунни ўйлаб иш юритаётган қўш ма корхона жорий йил бошидаёқ бир неча фирмали дўко ни ишга тушириш тадоригини кўрмоқда, ички ва таш и бозор ҳам чуқур ўрганилмоқда.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА**

**Юртимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнашида хусусий тадбиркорликни янада раванқ топтиришга қаратилган эътибор муҳим роль ўйнамоқда. Иқтисодиётнинг айрим йўналишларида хизматлар соҳасини кенгайтириш, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш, товар экспортини амалга оширувчи корхона ва ташкилотларга солиқ имтиёзларини қўллаш кўзда тутилган.**

Ҳамшаҳарлар дастурхонига азиз неъмат ҳисобланган нон маҳсулотларини етказиб бераётган «Тутзорнон» ус сусий корхонаси ҳам шундай корхоналар сирасига и ради. Бу ерда хозирда 20 турдаги сифатли ва шиф бахш нон тайёрланмоқда. Корхона маҳсулотлари ўз нинг фирмали дўконларида сотилади ва шартнома ао сида биортмачиларга етказиб берилаяпти.

— Тадбиркорлик субъектларининг бизнесга дов голярини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давла тимизнинг доимий эътиборида, — дейди корхона дирк тори Мирзаёз Одилов, — уларни ҳаётга таъбиқ эти ш борасида амалга оширилган тадбирлар самараси бис ўтган йили яхши натижалар қайд этилди. Тадбирко ларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳани ривожлан тиришнинг бош омилдир. Ўтган йилнинг тўққиз ойда банklar томонидан кичик бизнес ва хусусий тадб ркорлик субъектларига бериладиган кредитлар ҳаж и 2134,5 миллиард сўмини ташкил қилди. Хусусан, ба нинг корхонамизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишларига 441,2 минг доллар сарфланди. Ҳа емай, ушбу лойиҳа асосида 20 та янги иш ўринли яратамиз.

Давлат маҳаллийлаштириш дастури асосида иш ки таётган корхона энергия тежамкорлигига эришишиўз олдиға мақсад қилган.

**МОҲИР ҚЎЛЛИ УСТАЛАР**

**Асрлар оша жаҳонга доврғи ёйилн миллий хунармандчилигимизни раванқ топтиришда истиқлол берган имкониятлардан оқилона фойдалани, ўз иқтидори ва маҳоратини намойн этаётган қўли гул хунармандлар, усталаримизнинг ҳиссалари салмоқли**


Халқимизда «Хунар — хунардан ризқ унар» деб ё жиз айтилмайди. Дарҳақиқат, хунари орқали рўзғонға барака киритаётган инсонлар фаолияти таҳсинға лоик. Улар орасида сандиксозлик халқ амалий хунармани лигининг ўзига хос йўналишларидан саналади. Ҳар сир-асорларини мукамал эгаллаган Қосимовларсу лоласи кўпчиликка таниш. Абдулла Қосимов ушбу су лоланинг тўрттинчи вақили бўлиб, 45 йилдан буён ан диксозликни эъвозлаган ҳолда эл-юртга танилди.

— Ёшлик чоғларимдан сандик ёсаб, айниқса ун ё затишга жуда қизиқардим, — дейди Абдулла Қосимов. Уста отамизга қўмаклашиш асосида хунарға астойди меҳр қўйдим. Унинг паст-баланд сирларини, асосий сабр-қаноатга ўргандим, отамнинг ҳар бир ўғитлиға амал қилиб, ҳаракатларини синчковлик билан куза рдим. Шўқрки, истиқлол туфайли хунармандларға ико ниятлар эшиги кенг очилди, ҳуқуқий ҳимоямиз таъмин ланган.

Ижод маҳсулиға келадиган бўлсак, «От изинтой босар» деганларидек, хозирда уста ўғли Бахтиёр ёлан фахрланади. Албатта, устанинг яратган ҳақиқий сават даражасига етказилган гўзал буюмлари — тунука, ис, латуи ва локдан тайёрланган сандиклар ўта жоziли. Улар нафақат ҳамюртларимиз, балки Япония, Германия каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам алоҳида эътироф этилган, миллийлигига хориждилар ҳам тан беришган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛОВА**

# Маҳалла — ота-онани



## АХИЛ ВА ОБОД ГЎША

Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласини том маънода истиқлолимиз тенгдоши, дея таърифлашимиз мумкин. 1991 йилда ташкил топган ушбу маҳаллада кўп миллатли аҳоли аҳил ва иноқ истиқомат қилмоқда.



Бугунги кунда маҳаллада ободонлаштириш ишларига айниқса муҳим эътибор қаратишмоқда. Хусусан, кейинги икки йил ичида маҳалла ҳудуди тўлиқ асфальтланди. Маҳалла гузари ҳам ҳомийлар ёрдамида қуриляпти. Бу ишга фаоллардан Шокир Одилов, Рашид Сайлихоновлар бош-қош бўлишяпти.

— «Соғлом она — соғлом бола» йўналиши бўйича тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди диний маърифат ва маъ-

навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳмуда Тиллаева. — Ажримлар сони камайяпти, воёга етмаганлар, ўсмир қизлар, турмуш қураётган ёшларни қамраган ҳолда турли-туман тадбирлар ўтказяпмиз. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари келиб, ОИТС, гивандлик каби хасталикларнинг олдини олиш мавзуларида маърузалар қилади, туғруқ ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилади.

Маҳаллада спорт-соғломлаштириш ишларига айниқса катта эътибор қаратилади. Бунда маҳалла марказида бунёд этилган спорт майдончаси қўл келмоқда. Маҳалланинг ўз футбол командаси, «Қалдирғоч» аънавий спортчи оилалардан ташкил топган жамоаси бор. Эътиборли томони, кўшни маҳаллалар билан энгил атлетика, шахмат-шашка, баскетбол, волейбол бўйича мусобақалар уюштириб турилади. Орипов, Тиллаев, Миралиев, Ёрматовлар спортчилар оилалари ушбу мусобақаларда фаол қатнашиб келади.

Фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Юсуфжонов сай-ҳаракатлари билан аҳоли ва фаоллар бир ёқадан бош чиқариб, ҳудудини янада кўркам ва обод бўлишига сиққидилдан ҳисса қўлаётган мўъжазгина «Мажнунтол» маҳалласининг янада чирой очилиши омад тилаб қоламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
Козим Улмасов олган сурат

Азал азалдан маҳалла тинчлик-тотувлик ва яқин биродарлик маскани сифатида ном қозонган. Ушбу гўшада кўни-кўшничилик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурган. Унда кексалар эъзозланиб, кичиклар йўлга солиниб, таълим-тарбияга муҳим эътибор қаратилган.

## ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш тизимига янада эътибор қаратилиб, хайрли ишлар бардавомлиги таъминланиб, эзгу аъналар кадр-қиммати юксалиб бормоқда. Олмасор туманидаги «Чилтўғон» маҳалласида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишларни кузатиб, юқоридаги фикрлар бежизга айтилмаганига гувоҳ бўлдик.

— Маҳалламизда 4810 нафар аҳоли, 1920 та оила аҳилиноқликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб умргузаронлик қилиб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саноат Абдувалиева. — Аҳолининг иш билан банд бўлиши, ёшлар, айниқса воёга етмаган ўсмирларнинг илм олишлари, касб-хунар эгаллаб, адашиб турли ноқонуний йўлларга кириб кетишларининг олдини олишга эътибор қаратганмиз. Бунда албатта аҳоли билан ҳамжиҳатлигимиз, хотин-қизлар комиссияси раиси Зарифа Пўлатова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳфуза Аминова, участка нозиримиз Файрат Бўрибоев, 11 нафар посбон ва посбонлар сардори Адашбой Дадамирзаевларнинг сай-ҳаракатлари яхши натижалар бермоқда.

Маҳаллада яқинда «Соғлом она — соғлом бола» дастури бўйича бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Бунда шифокорлар билан учрашувлар, қайнона-келин муносабатларига қаратилган тадбирлар барчада катта таассурот қолдирди. Шунингдек Мустақиллик, Наврўз каби байрамларда камхарж, ногирон, боқувчисини йўқотган оилалар имкон борича совға-саломлар билан йўқланиб, кўнгиллари кўтарилди, эътибор кўрсатишга ҳаракат қилинади.

— Мақсадимиз Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам эзгу ва хайрли ишларимизни давом эттириб яхши натижаларга эришиш, тадбиркорликка қўл уриб дастурхонимизни тўкин қилишга интилаётган ёшларимизни қўллаб-қувватлаб, фаолиятларини юритишларига шарт-шароит яратишга кўмаклашиш, — дейди раиса опа.

Биз ҳам яхши ниятни дилига туккан «Чилтўғон» маҳалласи фаоллари фаолиятига ривож, ишбилармонлар ишига унум тилаб қоламиз.

**Шоҳишта МУҲСИМОВА**

## Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар билан бир марта кўришганингиздаёқ камтаринлиги ва самимийлиги, одамхунлиги ва меҳрибонлиги, гап-сўзлари ўзига мафтун этади, кўяди. Бугун сиз, аэзизларга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган Абдуллажон Ортиқбоев ҳам шундай инсонлар сирасига киради...

Абдуллажон ака Мирзо Улуғбек туманидаги буюқ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан аталувчи маҳалла оқоқлоқ бўлишдек фахри ва масъулиятли вазифада узоқ йиллар самарали ишлади. Маҳалла аҳли ҳаёт тажрибасига бой бўлган, одамлар қалбига йўл топа оладиган бу инсонни ўзларига сардор этиб адашмаган эди.

Абдуллажон Ортиқбоевнинг умр дафтари зарвараклари билан танишсангиз ҳайратингиз ошгандан ошаверади. Чунки унинг таржимаи холида ўтган асримизда Марказий Осиё тарихида, жаҳон тарихида юз берган ва бераётган турли-туман воқеалар ва кишига нотаниш бўлиб туюлган далилларга дуч келасиз. Бинобарин, Абдуллажон Ортиқбоев бу воқеа ва ҳодисалар атрофидаги гувоҳ эмас, балки бевосита иштирокчисидир. Ҳали ўш сақизга ҳам тўлмаган Абдуллажонни суронли 1943 йилда армияга чақирди. Шу йилнинг кузида эса уни Тошкент кўмондонлик ҳарбий билим юртига ўқишга қабул қилишди. Қирқ бешинчи йилнинг февралда кичик лейтенант Абдуллажон Ортиқбоевни фронтга, жанг майдонига юборишди. Ўз хизматини кичик лейтенантликдан бошлаган Абдуллажон Ортиқбоев генерал-майоргача қадар шонли йўлни босиб ўтди.

Кейинги йилларда генерал Абдуллажон Ортиқбоев ўз фаолиятини мураббий-устозликка бахшида этиб, ёш офицерларга тўлган жанговар, бой тажрибаларини сиққидилдан ўргатди.

Генерал ҳамон сафда. Тиниб-тинчиш нималигини билмайдиган, ҳали ҳам ёшлардек шаҳдам қадам ташлайдиган Абдуллажон Ортиқбоев айни кезларда ҳам Ўзбекистон Чегара қўшинлари фахрийлари уюшмаси бошқарувининг аъзоси, оқсоқол-фахрийлар Кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб, ёш чегарачиларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек, чегараларга яқин ҳудудларда истиқомат

## Ҳамшаҳарларимиз МЕҲНАТ ҚИЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ

қиладиган аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ва тушунтириш ишларида қатнашишдек масъулиятли вазифаларда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

— Ҳар бир инсонда бўлгани каби меннинг ҳам ҳаётимда бир умрга муҳрланиб қолган ажойиб дамлар, лаҳзалар кўп, — дейди Абдуллажон Ортиқбоев. Гузал, доно, оқила Шаҳзода хоним билан ўз ҳаётини бир умрга боғлаган кезлари. Бирга турмуш қурганлигимизнинг олтин дәмлари. Биринчи фарзанд, биринчи невара, биринчи эваралар дунёга келган кунлар асло ёдимдан кўтарилмади. Эл-юрт хизматида бўлиб унинг эътироф этилиши, Ватан муқофотлари билан тақдирланган кезларимни эслаганда юрагим қувончдан энтиқиб кетади.



Ўз умрининг минг ойини кўриб, иккинчи минг пиллаояларидан дадил қадам ташлаётган лавҳамиз қаҳрамони, бизнинг ажойиб замондошимиз Абдуллажон Ортиқбоевнинг фахрланганича бор. Дарҳақиқат, Мустақиллик ҳар биримизнинг тақдиримизда беқийс ўзгаришлар ясади. Бу ўзгаришларга ҳаммамиз юртимизда шохид бўлишдан ташқари жуда кўп ҳодисаларда юксак эътироф этилаётгани қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

**Мудом жой берайлик давра тўридан, Дуога қўл очсин йиғин-тўйларда. Ёшларга улашиб юрак кўридан, Савлат тўкиб юрсин кўча-кўйларда. Сийлайлик, то қалби жўш уриб турсин, Гулларга кўмайлик кучоқларини.**

**Ҳаммага, ҳаммага айтиб улгурсин, Урушининг дахшати сабоқларини!**  
**Солиқ ЁКУБОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

## ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРГА КАМАРБАСТА

«Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур», — дея таъкидлаган эди Юртбошимиз.

Бунинг учун қандай муҳит зарур. Албатта, жамиятнинг ажралмас бўғини бўлмиш соғлом оила муҳити. Халқимизнинг ўлмас қадриятларидан бири эса оила шаънини муқаддас сақлаш, унга гард юқтирмаслик. Шундагина оилада камол топаётган фарзандлар таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли бўлиб воёга етади, бу борада биз катталар барчага ўрнатилган бўлишимиз, керак. Мана шундай ҳаёллар билан аёли билан сан-манга бориб, ажрашиш учун маҳаллага мурожаат қилган хонадонга кириб келаётган Раҳима опанинг кўзи аввало хонадондаги палапартлилик, буюмларнинг ҳар ерда сочилиб ётганига тушди. Мана ишни нимадан бошлаш керак.

Яққасарой туманидаги «Ракат» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масала-

лари бўйича маслаҳатчиси Раҳима Абдуғаниеваннинг ҳар бир кунини мана шундай, ҳар бир оилага кириб бориш, ёш оилаларнинг тинч ҳаёт қуриб кетиши, воёга етмаганлар, ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиш билан ўтади.

— Турмушнинг аччиқ-чучугини кўриб, бола-чақали бўлиб яшаб юрган, лекин озгина қийинчилик туйғайли «мен хотиним билан ажрашмоқчиман» — дея бола тарбиясидек энг нозик ва мураккаб масъулиятни бошидан соқит қилиш ниятидаги айрим оила бошлиқларини кўрганнимда, хафа бўлиб кетаман, — дейди Раҳима опа.

— Турмуш ўртоғинг, фарзандлардан осонлик билан воз кечар экансан, нега оила кўрдиг, ахир оила муқаддас, улуғ даргоҳ-ку. Унинг шаънини сен пок сақлашинг, чанг-

губорлардан асрашинг керак қабилдаги сўзлар дилимдан кечади. Ажралиш оstonасида турган оилани сақлаб қолсам, биргина воёга етмаган ёшни тўғри йўлга солсам ҳам, ишимдан хурсанд бўламан.

Маслаҳатчи опанинг жон куйдириб билдираётган фикрларини қозога туширар эканмиз, опанининг ёнига 2-3 нафар аёл келиб, маслаҳатлари зарур бўлиб қолганлигини билдиришининг гувоҳи бўлдим. Биз опанинг иш столидаги қозғаларга кўз югуртириб маҳаллада турли миллатдан иборат 8970 нафар аҳоли, 2333 та оила, 2625 нафар воёга етмаган ёшлар истиқомат қилишини билдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улмас Шукуров, хотин-қизлар комиссияси раиси Феруза Норбекова, посбонлар

сардори Бахтиёр Искандаров, катта профилактика нозирини, майор Обид Муҳамедов ва фаолларнинг ҳамжиҳатлигида, ўзаро маслаҳатлашиб иш олиб боришлари туйғайли ҳудуд тоза-озода, турли кўнгилсизликлардан ҳоли бўлишига эришишмоқда.

— Маҳалламиз ҳудуди катта, — дейди суҳбатдошимиз, — 89-мактаб, Яққасарой энгил санат касб-хунар коллежи, энгил санат ва тўқимачилик институти қошидаги академик лицей, эстрада-цирк коллежи шу ерда жойлашган. Биз ҳаммиша ёшлар ўқишга вақтида бора-ярапми, бекорчи ишлар, нотўғри йўлларга ўралашиб қолмадим, — деб уларнинг юриш-туришидан огоҳ бўлиб турадим. Мунтазам равишда турли тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказамиз. «Мақтаб-маҳалла-оила» концепцияси асосида ҳар бир оила билан иш олиб боришга интиламиз. Ўқувчи-ёшларнинг тўғри касб танлаши, хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиб саломатлигини тиклашига шарт-шароит, имконият яратишга ҳаракат қиламиз. Қилаётган ишларимиз бесамар кетмайди деб, умид қиламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
ёзиб олди

## Таълим

### НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР БОЙИТИЛАДИ

Қурилиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш Тошкент архитектура-қурилиш институтининг сиёсий таълим йўналишини ташкил қилади. Бўлғуси мутахассисларда қурилиш амалиёти малакаларини узлуксиз шакллантириш мақсадида, ўтган йилнинг октябрь ойида ушбу институт «Қурилиш конструкциялари кафедрасининг «Ўзоғирсанотлойиҳа» институтида филиали очилган эди.

— Бу филиалнинг ташкил қилинишидан мақсад, — дейди «Қурилиш конструкциялари» кафедрасининг профессори Ш.Низомов. — таълим билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш, таълим жараёнига илғор технологияларни жорий этиш, лойиҳалаш амалиётини илмий-тадқиқот фаолияти билан боғлашни янада кучайтиришдан иборатдир. Амалга оширилаётган бундай ишлар талабаларнинг олган назарий билимларини реал объектларда амалга оширишга имкон беради. Бу лойиҳа илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш билан боғлаш ҳамда корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган талабини қондиришга амалий ёрдам беради.

Лойиҳалаш институтида ташкил қилинган кафедра филиалида талабаларнинг тўлақонли илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Алоҳида компьютер билан жиҳозланган хона, лойиҳалаш учун керакли бўлган қурилишга оид меъёрий ҳужжатлар, альбомлар ва зарур адабиётлар билан таъминланди. «Ўзоғирсанотлойиҳа» институтида компьютерда замонавий дастурлар асосида санат биналари ва муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш ишлари амалга оширилади.

## ЯНГИЧА ФАОЛИЯТ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар таълим тизимининг узлуксизлиги масаласига бағишланди. Унда институт профессор, ўқитувчилари ва магистрлар иштирок этдилар.

— Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини янада яхшилаш, талабалар олиб бораётган илмий изланишларни холис баҳолаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдухалил Маврулов. — Иқтидорли ёшларимизнинг фан, таълим, адабиёт ва санъат, фольклор-шунослик соҳасидаги изланишлари самараси ўлароқ эртанги куннинг фойдали лойиҳаларини кўрмоқдамиз. Ўқув муассасамизда истеъдодли, изланувчан ёшлар кўп. Улар томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятлар қувонарлидир. Жорий йилдан бошлаб ўқув режамизга алоҳида ўзгаришлар киритяпмиз. Яъни биринчи ўринда аъло баҳоларга ўқиётган ва ўз соҳасида изланиш олиб боришни мақсад қилиб, ютуқларга эришган талабаларга уч ойлик рағбатлантирувчи муқофотлар беришни мўлжаллапмиз.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## Тиббиёт

### ОИЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабая уюшмаси кенгаши томонидан «Аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни» мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда хотин-қизларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касабая уюшмалари марказий кенгаши тавсияларини пойтахтимиз шароитида оммалаштириш борасида эришилаётган ютуқлар мамнуният билан тилга олинди. Тиббиёт тизимида кўпдан бери меҳнат қилиб келаётган фаол шифокорлар муносиб тақдирланди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти касабая уюшмаси фаолиятига ҳам юқори баҳо берилди.

**Акбар АЛИЕВ**



Ҳакимжон Солиқов ва Қозим Ўлмасов олган суратлар

«Умид ниҳоллари — 2011» БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Айни кунларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтмоқда.

бол, шахмат, енгил атлетика каби ўн беш тури бўйича ўтказиб келинаётган мусобаканинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, унда қатнашувчилар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда. Шунга яраша мусобақа шартларини аълога бажараётган спортчилар орасида голибни аниқлаш осон кечмаяпти.

35, 38, 42 ва 46 килограмм вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда 11та тумандан 44 нафар спортчи қатнашиб ўзаро куч синашди, бор иқтидор ва им-

кониятларини кўрсатиб голиблик шўх-супасини забт этиш ва жамоаларини олдинга олиб чиқишга интилди. Қизгин ва мурасасиз руҳда ўтган ушбу мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин белбоғли кураш бўйича Юнусобод, иккинчи ўрин Сергели, учинчи ўрин Учтепа ва Шайхонтоҳур, кураш бўйича эса биринчи ўрин Сергели, иккинчи ўрин Мирзо Улуғбек ва ниҳоят учинчи ўрин Шайхонтоҳур туманларига насиб этди. Голибларга мутасадди ва

ҳомийларнинг фахрий ёрлик ҳамда эс-далиқ совғалари топширилди.

— Мактабимизда спортнинг дзюдо, юнон-рум кураши каби олтидан ортиқ тури билан 370 дан ошди спортни жон дилидан севган ёшлар шугулланишади, — дейди мажмуа директори Загир Гарипов. — Уларга 20 нафар мураббийлар меҳр билан сабоқ берадилар. Шаҳримизнинг ҳар бир туманидан келиб кураш сирларини ўрганишга интиладиган ёшлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга, келгусида мажмуамизни замон талаби даражасида таъмирдан чиқариб, янги спорт жиҳозлари билан бойитиш каби режалар ҳам бор.

Эртанинг эгаларини жисмонан соғлом, маънан етук, теран дунёқарашга эга этиб тарбияламоқчи эканмиз, уларни ёшлигидан саломатлик гарови бўлган спорт билан шугулланишларига шарт-шароит яратиш албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ОИЛА, ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД ҲАҚИДА

Арқоғини кўриб, бўзини ол, Онасини кўриб, қизини ол!

Беш панжаннинг бирини тишласан бари огрир.

Бир кун уриш бўлган уйдан Қирқ кун барака кетар.

Бир яхшига — бир ёмон.

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Болагинамнинг боласи — Қантак ўрикнинг донаси.

Болалик уйда сир ётмас.

Болалик — подшолик.

Бол ширин, Болдан ҳам бола ширин.

Давлатинг — ота-онанг.

Давлатинг — ўғил-қизинг.

Давлатнинг боши — фарзанд.

Ёмон арава йўл бузар, Ёмон (одам) уй бузар.

Ёмон турмуш ёлчитмас.

Мен қуяман боламга, Болам қуяр боласига.

Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас, Ота-онанинг баҳоси бўлмас.

Она билан бола — Гул билан лола.

Онанинг кифтингда тутсанг, Синглини бошингда тут.

Онанинг кўнгли болада, Боланинг кўнгли далада.

Онаси мақтаган қизни олма, Эл мақтаган қиздан қолма!

Ота бўлмай, ота қадрини билмас.

Ота-онанг дуоси — Ўтга, сувга ботирмас!

Ота-онанг ўтирган уйнинг томига чиқма!

Сепли қизим бўлгунча, Эпли қизим бўл!

(Давоми бор)

Узгидромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 12 январь кунини ҳаво ўза-риб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрта-лаб туман тушади. Шарқ-дан секундида 3-8 метр тез-ликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 5-7 даража совуқ, кундузи — 2-4 дара-жа илқ бўлади.

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йилнинг баҳор ойида Тошкентда халқаро кинофестивали ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур тадбирда нафақат Марказий Осиё, балки Хитой, Япо-ния, Корея Республикаси, Сингапур, Малайзия, Индонезия син-гари Тинч океани ҳудудидаги давлатлардан вакиллар иштирок этади. Шу тариха кенг жамоатчилик минтақамиздаги замонавий кино олами янгиликлари билан яқиндан танишиш, ёш режис-сёр ва актёрлар билан юзма-юз мулоқот қилиш имконига эга бўлади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси та-шаббуси билан қўллаб қамқор ташкилотлар кўмағида ўтказили-ши режалаштирилган Тошкент кинофестивали ёш ва қобилият-ли режиссёрлар учун тажриба алмашиш, янги номларни кашф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кинофестивалининг Тошкентда ўтказилишида ҳам рамзий маъ-

но бор. Бой кинематография аъналарига эга мамлакатимиз азалдан турли маданиятлар, маънавий билим ва ютуқлар чор-раҳаси ҳисобланган. Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлат-лари кинофестивали ҳам бир неча йиллардан бери ўлкамизда ўтказиб келинмоқда.

Фестивалда танловга қўйилган фильмларни жаҳон кинематогра-фиясининг кўзга қўрилган арбоблари, машҳур актёр ва мутахас-сислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради.

Бундан ташқари Тошкент халқаро кинофестивали доирасида давра суҳбатлари, брифинглар ўтказилиб, уларда Осиё минта-қаси кинематографиясини ривожлантириш масалалари муҳо-ка қилинади.

«Туркистон-пресс»

«02» КЎЗА КУНИДА СИНДИ

Бу дунёда кишининг қўлида ҳунари бўлса яхши-да, ҳалол йўл билан пул топади, тиркич-лигини ўтказиб, ортганини тўплайди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Кўнг билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризикинг унар» деган мақолни яратиб қўйибди-да.

Аммо ҳунарнинг ҳунардан фарқи бор экан: баъзи бирлари оддийроқ, бошқа бирлари му-раккаб, дегандай. Лекин айримлар кўштироқ ичидидаги шундай «ҳунар»ларни эгаллаб олиша-дики, кўриб ёқа ушлайсиз. Масалан, одамлар-нинг ишоничга кириб, ўларининг розилиги билан пулни шилиб олиш, пайт пойлаб туриб

ҳамёнини, телефон аппаратыни олиб қочиб, тикилини автобусда сездирмай чўнта-дан пулни суғуриб олиш ва ҳоказо.

Миробод туманидаги Р.Шамсиддин эса яна-да антика «ҳунари» — қалит танлаб эшиклар-ни очиниши ўрганиб олган экан. У теварак-ат-рофидидаги уйларни пойлаб, қайси бирда одам яшамётганига ишонч ҳосил қилиб, шу хона-донни яхшилаб текшира экан. Шу йўлда, ҳовлисида одам кам бўладиган пайтини тоғиб, ўзининг «асоб»ларини, яъни бир шода қалит-ни олганича уша жойга «таширғи буюрар»кан. У ўзининг навбатдаги «ишини» мазкур туманда яшовчи В.Давроннинг хонадонига амалга ошири-ди. Чунки Даврон ёзда ишхонасидан таътил олиб, оиласи билан бирга вилоятга — ота-онасини кўришга кетган эди. Буни пайқаб қол-ган Шамсиддин унинг уйига қалит танлаш йўли билан кириб, DVD-плейерини, дазмоли, аёл-

ларнинг тилла тақинчоқлари ҳамда яшириб қўйилган 1500 АҚШ доллари миқдоридидаги пул-ни олиб, жуфтаникни ростлайди.

Қишлоқидан бир олам қувонч билан қайтган Даврон уйига кириб, кўзига ишонмай қолди. Яхшиямки, унинг хаёлига дарров «02» телефон рақамини териш келиб қолди-да, зудлик билан ички ишлар идорасига хабар қилди. Тезкор хо-димиларнинг сайъ-ҳаракатлари билан гумонла-нувчи Р.Шамсиддин қўлга олинди ва ўғирлан-ган буюмлар унинг уйдан топилди. Унга нисба-тан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан иш қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракат-лари олиб боришмоқда. Бу жараёнда унинг бошқа қилмишлари ҳам очилиб қолса ажабмас.

Юлдаз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юридик таъминлаш бўлими ходими, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчаси мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охириш тартибидида ўтказиладиغان очик аукцион савдосига тақдир этилади! Аукцион савдосига тақдир Чилонзор тумани СИБ томонидан, 12.08.2008 йилдаги №2-57-2008 ижро ҳужжатига асосан «Бета Алго-ритм АШ» МЧЖ шакилида чет эл корхонасига тегишли, корхона ҳудудида сақланаётган: 1. «Форд-транзит» русумли, д/р М47-25 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 350 594 сўм; 2. «Форд транзит» русумли, д/р М47-15 бўлган, 1995 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 229 435 сўм; 3. «Форд транзит» русумли, д/р М47-16 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бош-ланғич баҳоси — 12 741 247 сўм; 4. «Форд транзит» русумли, д/р М47-24 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 509 170 сўм; 5. «Форд транзит» русумли, д/р М47-18 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 140 508 сўм; 6. «Форд транзит» русумли, д/р М47-21 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт восита-си. Бошланғич баҳоси — 13 248 135 сўм; 7. «Форд транзит» русумли, д/р М47-22 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 766 574 сўм; 8. «Форд транзит» русумли, д/р М47-20 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 905 478 сўм; 9. «Форд-транзит» русумли, д/р М60-56 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт восита-си. Бошланғич баҳоси — 9 822 394 сўм; 10. «Форланд» русумли, д/р М71-16 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 910 422 сўм.

С 22 Января на манеже цирка БОЛЬШАЯ РАЗВЛЕКАТЕЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПРИ УЧАСТИИ АРТИСТОВ ИНДИЙСКОГО ЦИРКА

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилмииз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4828 нуска босилади. Қўзғатилган А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйи- турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефон-а муурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-у